

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан Тожикистон Республикасига коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини бартараф этиш учун зарур бўлган тиббий ускуналар, буюмлар, дори воситалари ва маҳсус контейнерлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўrsatiш мақсадида:

1. Тожикистон Республикасига тиббий ускуналар, буюмлар, дори воситалари ва маҳсус контейнерлар шаклидаги инсонпарварлик ёрдами юки **иловага** мувофиқ рўйхат бўйича юборилсин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги инсонпарварлик ёрдами юкини жўнатувчи ва етказиб берилишини таъминловчи;

«Технопарк» МЧЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖнинг «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти МЧЖ инсонпарварлик ёрдами юкини шакллантириш пунктлари этиб белгилансин.

3. Инсонпарварлик ёрдами юкини Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига етказиб бериш учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Obod Shahar Qurilish» МЧЖ буюртмаларига асосан зарур микдорда вагонлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги юк ҳаво кемаларини белгиланган тартибда ажратсин.

4. Белгилансинки:

инсонпарварлик ёрдами юкининг белгиланган манзилга етказиб бериш билан боғлиқ Мудофаа вазирлигининг харажатлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами юкини жўнатиш билан боғлиқ харажатлари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг инсонпарварлик ёрдами юкини жўнатиш билан боғлиқ харажатлари — Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маблағлари;

«Obod Shahar Qurilish» МЧЖнинг инсонпарварлик ёрдами юкини жўнатиш билан боғлиқ харажатлари — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш борасида амалга ошириладиган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2020 йил 25 мартағи 181-сон **қарори** доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан «Маданият текстиль кўп тармоқли» МЧЖ ва «Maximum Dream» МЧЖлар томонидан ишлаб чиқарилган тиббий ҳимоя воситаларининг инсонпарварлик ёрдами сифатида ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси ушбу фармойишга мувофиқ давлат захираларидан чиқарилган моддий бойликларнинг ўрни белгиланган тартибда тўлдирилишини таъминлаш чораларини кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон томонининг инсонпарварлик ёрдами кўrsatiш нияти тўғрисида Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини белгиланган тартибда хабардор қилсан, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами юкининг етказилиши ва топширишида иштироқ этадиган Ўзбекистон Республикаси вакилларига чиқиш ҳужжатлари тезкор расмийлаштиришини ҳамда инсонпарварлик келишсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшилари инсонпарварлик ёрдами юкининг етказилиши ва топширишида иштироқ этадиган Ўзбекистон Республикаси вакилларига чиқиш ҳужжатлари тезкор расмийлаштиришини ҳамда инсонпарварлик

ёрдами юки Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан тўсиқларсиз ўтказилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Дунё» ахборот агентлиги Тожикистон Республикаси инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича ишлар оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринbosари А.Х. Кўлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 май,
233-Ф-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 майдаги 233-Ф-сон фармойишига
ИЛОВА

Тожикистон Республикаси инсонпарварлик ёрдами сифатида юбориладиган тиббий буюмлар ва воситалар

РЎЙХАТИ

| T/р | Ташкилот номи | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|--|---------------------------------------|---------------|----------|
| I. Мудофаа вазирлиги томонидан етказиб бериладиган маҳсулотлар | | | | |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги | бир маротабалик қўлқоп | дона | 100 000 |
| | | ноинвозив сунъий нафас бериш ускунаси | дона | 10 |
| | | азитромицин 250 мг № 6 | қадоқ | 1 000 |
| | | гидроксихлорохин 100 мг № 100 | қадоқ | 1 000 |
| | | аскорбин кислотаси 50 мг № 10 | қадоқ | 1 000 |
| | | цефазолин 1,0 | қадоқ | 1 000 |
| | | пиromетр | дона | 300 |
| | | сунъий нафас бериш ускунаси* | дона | 10** |
| | | сунъий нафас бериш ускунаси оёқча* | дона | 1 ** |
| | | COVID-19 вирусини аниқлаш тест* | дона | 24 000** |
| | | РНК экстрактор* | дона | 12 000** |
| | | магнитли штатив* | дона | 2** |
| 2. | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги | левофлоксацин 100 мл (спирофлокс) | дона | 1 000 |
| | | февааган П 1% 100 мл (парацетамол) | дона | 1 000 |
| | | цефтриаксон натрия 1,0 гр. | дона | 1 350 |
| | | глюкоза 5% 250 мл | дона | 5 000 |
| | | глюкоза 5% 500 мл | дона | 1 000 |

| | | | | |
|--|---|--|--------|--------|
| | натрия хлорид 0,9% 250 мл | дона | 5 000 | |
| | натрия хлорид 0,9% 500 мл | дона | 1 000 | |
| | ринлактин 250 мл (рингер-лактад) | дона | 1 000 | |
| | ринлактин 500 мл (рингер-лактад) | дона | 1 000 | |
| | азитромицин 250 мг. № 6 | қадоқ | 1 000 | |
| | азитромицин 500 мг. № 6 | қадоқ | 600 | |
| | парацетамол 0,5 гр. № 10 | қадоқ | 1 440 | |
| | парацетамол сироп | дона | 1 000 | |
| | парацетамол табл. | қадоқ | 1 000 | |
| | бир маротабалик шприц 5 мл | дона | 6 000 | |
| | бир маротабалик шприц 2 мл | дона | 7 200 | |
| | система | дона | 10 000 | |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси | бир маротабалик бош кийимли ҳимоя комбинезони (2-даражали) | дона | 5 000 |
| | | бир маротобалик респиратор N 95 (FFP2) | дона | 15 000 |
| 4. | «Маданият текстиль кўп тармоқли» МЧЖ | бир маротабалик бош кийимли ҳимоя комбинезони (1-даражали) | дона | 5 000 |
| 5. | «Maximum Dream» МЧЖ | ҳимоя қўзойнаги | дона | 5 000 |
| II. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан етказиб бериладиган маҳсулотлар | | | | |
| 6. | «Obod Shahar Qurilish» МЧЖ | махсус контейнер (тўлик тўпламда) | тўплам | 144 |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси | этил спирти | тонна | 1,0 |

* 2020 йил 25 апрелда Тожикистон Республикасига коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини бартараф этиш учун инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган.

** Ушбу маҳсулотлар Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «Henan Costar Group Co., LTD» компанияси ўртасида ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «Sansure Biotec Inc.» компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида сотиб олинган.